

«Toshkent yoʻlovchi vagonlarini qurish va taʼmirlash zavodi» AJ
Kuzatuv kengashiда 2020 йил _____ куни тасдиқланган

*«Toshkent yoʻlovchi vagonlarini qurish
va taʼmirlash zavodi»*

**Акциядорлик жамиятининг
2021 йилга РИВОЖЛАНТИРИШ
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

1. РЕЗЮМЕ

1.1. ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

КОРХОНА НОМИ	«Toshkent yo‘lovchi vagonlarini qurish va ta‘mirlash zavodi» акциядорлик жамияти
МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ	Акциядорлик жамияти
ИДОРАВИЙ БЎЙСУНИШ (юқори турувчи ташкилот)	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
ФАОЛИЯТНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА БИЗНЕСНИ ЮРИТИШДА БОШҚА ҲУҚУҚЛАР	
УСТАВ ФОНДИ	5 649 047 минг.сўм
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН САНА ВА РАҚАМИ	2002 йил 18 сентябрдан № 000492
РЎЙХАТГА ОЛУВЧИ ОРГАН	Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани ҳокими қарори
АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРИ	Йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш
БАЖАРИЛГАН ИШ ҲАЖМИ	2020 йил кутилаётган ҳажм – 132 982 892 млн.сўм
ХОДИМЛАР СОНИ	950
КОРХОНА МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ	Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли, 8-уй х/р 20210000004101753001 ЧЗАКБ“ORIENT FINANS” МФО 00435, СТИР 203507673, ОКОНХ 14160
МАЪМУРИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ҚЎЛ ҚЎЙИШ ВАКОЛАТИ БЎЛГАН ШАХСЛАР	Раҳбар : Дадаходжаев Д.Ф. Молия бўлими бошлиғи: Каюмов З.О.
КОРХОНА ТЕЛЕФОНИ	(998 71) 120 64 07

1.2. КИРИШ ҚИСМИ

«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ Ўзбекистон Республикаси ҳамда Япония Халқаро иқтисодий ҳамкорлик фонди (ОЕСФ ҳозирги кунда JBIC) томонидан № 1996 йил 16 июн куни имзоланган UZB – P2 сонли Кредит шартномаси доирасида “Йўловчи темсир йўл транспортини такомиллаштириш” лойиҳаси бўйича қурилган.

Дастлаб имлиёзли кредит олиш Ўзбекистон Республикасига собиқ совет давлати бўлингандан сўнг йўловчи вагонларни таъмирлаш бўйича маҳаллий базасини ташкил этиш борасидаги Ўзбекистон ва Япония томонлари томонидан иқтисодий ва техник ёрдам кўрсатиш сифатида назарда тутилган.

Кредит шартномаси шартларига кўра “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бажарувчи агент сифатида, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки молиявий агент сифатида белгилаб ўтилган. Шу сабабли Кредит шартномаси бўйича асосий қарз ва кредит фоизлари тўловлари мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси кафолати остида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ зиммасига юклатилган.

Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи 2001 йил 1 июл куни ишга туширилди.

Заводнинг умумий ер майдони 103 минг м², улардан ишлаб чиқариш ва маиший биноларга 41,691 минг м² ажратилган.

Япония фонди томонидан ажратилган кредит маблағи Германияда ишлаб чиқарилган 25та янги йўловчи вагонларни ҳамда 388 та технологик ускуналарни, улардан 354 таси Фарбий Европа, Япония, Хитой ва Россия давлатларининг етакчи фирмаларидан импорт қилиб сотиб олишга сарфланган. Ишлаб чиқаришда импорт ускуналар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш натижасида вагонларни барча таъмирлаш турларини ўрнатилган таъмирлаш қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда сифатли амалга ошириш имкониятини беради. «Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ нафақат “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ балки бошқа давлатлар йўловчи вагонларини ҳам таъмирлайди, чунки у Ўрта Осиё ҳудудида йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш бўйича ягона завод ҳисобланади. Масалан Голландиядан келтирилган махсус камераларда вагонларни эски краскасидан тозалаш, краскалаш ва қуриштириш ишлари амалга оширилади. Германиядан келтирилган юқори технологияли ускунадан ёғочни қайта ишлаш бўйича цехда фойдаланиш натижасида вагонларни ички ускуналарини таъмир сифатини яхшилаш ва ички интерьер модернизацияси ва таъмири учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш имкониятини яратган. Электроцехда компьютер диагностикаси мавжуд стендлардан фойдаланиш натижасида вагондаги электр жиҳозлар, схемалар ва занжирлар таъмири сифатини яхшилаш имконини берган.

Заводда темир-пресс ускуналар, резина-техник ва пластмасса махсулотларини ишлаб чиқариш ускуналари ҳам мавжуд.

2. ТАШКИЛ ЭТИШ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ

Давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва чет эл инвесторларни жалб қилиш жараёнини ривожлантириш мақсадида Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи Давлат мулк қўмитасининг 28.06.02й. кунги № 185 сонли буйруғи ҳамда Тошкент шахри Яккасарой тумани хокимининг 16.09.02й. кунги №1189 сонли қарорига мувофиқ «Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» Очиқ Акциядорлик Жамиятига айлантирилди. 2009 йил 20 июлдан бошлаб янги йўловчи вагонларни қуриш ишлари ташкил этилиши муносабати билан «Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» Очиқ Акциядорлик Жамиятига ўзгартирилди. 2015 йил “Акциядорлик жамиятлари” тўғрисидаги қонуни кучга кириши муносабати билан «Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» Акциядорлик Жамиятига ўзгартирилди. Завод “Ўзбекисто темир йўллари” ташкилий структураси тарқибига киради.

Лойиҳа қуввати бўйича Япон мутахассисларнинг техник-иқтисодий ҳисобига кўра йилига 450 вагонларни капитал таъмирдан чиқариш мўлжалланган. Дастлабки 2 йил эксплуатация даврида яъни 2001-2002 йилларда заводда вагонларни барча режали таъмир турлари ҳамда биринчи (КР-1) ва иккинчи (КР-2) хажмдаги капитал таъмир ишлари ўзлаштирилди. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий дастгоҳлар ва малакали мутахассислар ердамида ҳамда эҳтиёт қисмлар етказиб берувчилар билан ўрнатилган мустаҳкам алоқалар орқали ТЭО га киритилмаган: электропоездларни КР-2 хажмда таъмирлаш, йўловчи вагонларни хизмат даврини 15 йилга узайтириш имконини берувчи капитал қайта тиклаш таъмирлаш (КВР) ишлари ўзлаштирилди.

«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ асосий фаолияти қуйидагилардан иборат:

- Йўловчи вагонларни қўриш;
- Йўловчи вагонларни капитал ва депо таъмирлаш, хизмат даврини узайтирадиган капитал қайта тиклаш таъмирлаш (КВР) ва бошқа таъмирлаш турлари;
- ЭР-9Е ва ЭР-2 электропоездлар вагонларини капитал ва хизмат даврини узайтирадиган капитал қайта тиклаш таъмирлаш (КВР);
- Метрополитен вагонларини хизмат даврини узайтирадиган капитал қайта тиклаш таъмирлаш (КВР);
- Йўловчи вагонлар тележкаларини ишлаб чиқариш;
- Метро вагон тележкаларини рама ва надрессор балкаларини ишлаб чиқариш;
- Янги йўловчи вагонларни йиғиш ишлари;
- Вагонлар эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш;
- Корхоналарга тижорат хизматларини амалга ошириш;
- Барча транспорт турлари учун ностандарт ускуналарни ишлаб чиқариш ва лойиҳалаштириш;
- Ва ҳоказо ишлар.

3. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ СТРУКТУРАСИ

Мустақиллик йилларида темир йўл транспорти соҳасида қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги Қонуннинг 38-моддасига асосан ҳуқуқий жамият Акциядорлик жамияти статусига эга бўлди – «Toshkent yo‘lovchi vagonlarini qurish va ta‘mirlash zavodi» АЖ.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги УП-4720 сонли Фармони ижроси юзасидан жамият корпоратив бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида «Toshkent yo‘lovchi vagonlarini qurish va ta‘mirlash zavodi» АЖ ташкилий тузилмаси тасдиқланди

- иловада «Toshkent yo‘lovchi vagonlarini qurish va ta‘mirlash zavodi» АЖ ташкилий тузилмаси қайд қилинган.

- Самарадорликни ошириш ва ривожлантириш, ички ва ташқи капитал бозоридан кенг фойдаланиш, фаолиятни ва хисоботларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида «Toshkent yo‘lovchi vagonlarini qurish va ta‘mirlash zavodi» АЖ корпоратив бошқарув қоидаларидан фойдаланади. Корпоратив қоидалар барча акциядорлар (иштирокчилар)га уларнинг эгаллаган акция улушидан қатъий назар адолатли муносабатни таъминлайди. Кичик филиал ва хўжалик жамиятлар ташкил этилганда, давлат улушига эга бўлган жамиятлар шартнома ҳуқуқлари ва мажбуриятларига риоя қилиш ҳамда низоларни кўриб чиқишни таъминлайди.

«Toshkent yo‘lovchi vagonlarini qurish va ta‘mirlash zavodi» АЖ кадрларни тайёрлаш тизимига эга. Кадрларни бошқариш ва таерлаш бўлими вазифаларига қуйидагилар киради:

- Жамият бўлинмаларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш, таркибий бўлинмаларда ходимлар сонини белгиланган иш ҳажми ва тасдиқланган штат жадвалига кўра белгилаш ҳамда ходимлар сонини уларни қабул қилиш ва бўшатиш ишларини таҳлил қилиш;

- Меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида талаб этилган малака ва мутахассисликларга кўра жамият бўлинмалага мутахассисларни қабул қилиш;

- Юқори малакали ишчи ва мутахассисларни тажрибаларини сақлаб қолиш, улардан фойдаланиш ва жамият бўлинмаларига тарқатиш, мутахассислик кўникмаларини ҳосил қилиш, жамиятни тўхтовсиз фаолиятини таъминлаш, ёшларга ўрнатилган талабларни ўргатиш, жараёнга таъсир этмаган ҳолда кадрларни алмаштириш мақсадида тор доирадаги мутахассисларни устоз шогирд усулларини қўллаш йўли билан тайёрлаш.

- Меҳнат дисциплинаси ҳолати, кадрлар алмашинуви ва оқимини ўрганиш ва таҳлил қилиш

- Жамиятда кадрларни бошқариш ва кадрлар билан таъминлаш эффектив тизимини тузиш.

- Раҳбар лавозимларга захираларни тайёрлаш ва ишлаб чиқиш.

Завод ходимларининг рўйхатга олинган сони 2020 йил 1 январ ҳолатига 950 нафар бўлса, 2021 йил 1 январга 950 нафари ташкил этади. 2020 йил давомида заводда малакани ошириш ва қайта малакалаштириш ҳисобидан ишловчилар сони ва товар маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми ўртасида оқилона пропорцияларга эришилди.

2020 йилда қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун кадрлар сиёсатини қуйидагилар орқали кучайтириш режалаштирилган:

- кадрларни танлаш ва жойлаштириш;
- бажарилаётган иш ҳажмига мос ходимлар сонини назорат қилиш;
- асосий мутахассисликларни кадрлар билан таъминланиши;
- ёш мутахассисларни қабул қилиш;
- энг қобилиятли истикболли ёш мутахассисларни аниқлаш ва уларни малакаларини профессионал ўсишига кўмаклашиш ва интеллектуал салоҳиятинида фойдаланиш;
- ходимларнинг малакасини ошириш, ўқув марказларида ўқитиш, қабул қилинган ходимларга устоз бириктириш ва аттестация ўтказиш.

2020 йилда кадрларни тайерлаш ва қайта тайерлаш режасига мувофиқ заводда 300 нафар ходими малакасини оширилиши кутилмоқда.

2020 йил иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, 950 киши, шу жумладан 37 нафар бошқарув аппарати ходимлари сони кутилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнини самарали бошқариш мақсадида қуйидаги бўлинмаларни ўз ичига олган корхона тuzилмаси ташкил этилди:

- Бошқарув аппарати
- Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларга хизмат кўрсатувчи цех
- Филдирак-ролик цехи
- Электроцех
- Аккумулятор цехи
- Сув таъминоти ва иситиш тизимини таъмирлаш цехи
- Ички ускуналарни таъмирлаш цехи
- Кузов цехи
- Бўяш цехи
- Механика цехи
- Ёрдамчи-тайёрлаш цехи
- Ёғочни қайта ишлаш цехи
- Бош механик бўлими – транспорт - кўтариш воситалари ускуналари бўйича цех
- Бош энергетик бўлими
- Ишлаб чиқариш бўлими
- Қўриқлаш бўйича цех
- Янги тележкаларни ишлаб чиқариш цехи
- Вагон қурилиш бўйича цех
- Экспериментал-инструментал цех
- Вагонларни комплекс йиғиш бўйича цех

- Уйда ишловчи ходимлар цехи
- Янги вагонларга деталларни ишлаб чиқариш ва йиғиш бўйича электроцех

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Режа 2020 йил	Кутилаётган 2020 йил	Режа 2021 йил
1	Ходимлар сони	киши	950	950	950
2	Иш хақи фонди	млн.сўм	30 000	30 400	42 500
3	Ўртача ойлик иш хақи	сўм	2 631 579	2 666 667	3 728 070

Завод ходимларини ижтимоий муҳофазаси кенг қамровли чора тадбирларни амалга оширишни, жумладан, қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантириш хусусидаги мукофотлар ва рағбатлантирувчи тўловларни қўллашни ўз ичига олади. Заводда меҳнатга ҳақ тулашнинг муддатли ва кесимли шакллари қўлланилади. Завод бўйича ишлаб чиқилган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича Низомлар иш хақи тўлови тизимини такомиллаштириш, профессионал-малакалари турли ҳил гуруҳ ишчиларига бажарилаётган меҳнатнинг мураккаблиги, маъсулияти ва малакасига кўра иш хақи белгиланган. «Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ фаолияти натижасида олинаётган даромаддан келиб чиққан ҳолда ойлик иш хақи сарфланадиган маблағ миқдорини мустақил белгилайди.

2020 йил меҳнатга ҳақ тўлаш учун 30 000 млн. сўм ажратилган (ҳар бир ишчига ўртача ойлик иш хақи 2 631 579 сўмни ташкил этган). 2021 йилда эса иш хақи 42 500 млн. сўм йўналтириш, бир ходимга ўртача ойлик иш хақи 3 728 070 сўмга етказиш режалаштирилган.

4. ЖАМИЯТ МУЛКИ ВА АКТИВЛАРИ

«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик халқа йўли 8-уй манзилида жойлашган.

Ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур асосий воситалар ва ер майдонига эга.

2020 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра бухгалтерия ҳисоботи бўйича балансда қуйидагилар ҳисобга олинган:

- Асосий воситаларнинг баланс қиймати 87 997 514 минг сўм, эскириш суммаси 71 075 776 минг сўм, қолдиқ қиймати 12 556 811 минг сўм. Эскириш даражаси 80.8%ни ташкил этган.

• Номоддий активлар баланс қиймати 2 066 минг сўм, эскириш суммаси 2 066 минг сўм, қолдиқ қиймати йўқ.

• «Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ Устав фонди 5 649 047 минг сўм, улардан:

• «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ улуши 90% - 5 084 143 минг сўм

• Бошқа акциядорлар улуши 10% - 564 904 минг сўм

2005 йил 1 январ ҳолатига кўра барча акциялар тақсимланган.

Заводни мавжуд объектларини реконструкция қилиш ва қуриш, техник қайта жиҳозлаш ва кенгайтириш, модернизация қилиш, капитал ва қайта тиклаш таъмири ўз маблағлари ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Жамиятнинг маъсулияти чекланган жамияти асосий вазифаси метрополитен вагонлари ва ҳаракатланувчи таркибларга техник хизмат кўрсатиш, жумладан транспорт воситаларига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ва таъмирлаш, улгуржи ва чакана тижорат ишларини амалга оширишдан иборат.

5. БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПРОГНОЗИ

Завод эксплуатацияси даврида йўловчи вагонларни барча таъмирлаш ишлари ўзлаштирилди: депо таъмири (ДР), биринчи ҳажмдаги капитал таъмирлаш (КР-1), иккинчи ҳажмдаги капитал таъмирлаш (КР-2), модернизация ва хизмат даврини узайтирган ҳолда иккинчи ҳажмдаги капитал таъмирлаш (КР-2М), хизмат даврини 15 йлга узайтирган ҳолда капитал қайта тиклаш таъмири (КВР). ЭР-9Е ва ЭР-2 электропоездлар вагонларини капитал КР-2 ҳажмда таъмирлаш ҳам ўзлаштирилган.

2003 йил Тверь вагон қурилиш заводи билан ҳамкорликда қуйидаги турдаги вагон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди: 61-4179 модели хаво кондиционерли мавжуд бўлган купе вагон, 61-4177 модели плацкарт вагон, тезюар поездининг 61-4441 ва 61-4441Ш моделлари.

2009 йил 68-908 ва 68-909 модели йўловчи вагон тележжаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, натижада янги “61-907 модели хаво кондиционерли мавжуд бўлган йўловчи купе вагон” ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлди. Бунда янги йўловчи вагонларни ва тележжаларини серия бўйича ишлаб чиқаришга сертификат олинди.

2010 йил синов ишлари амалга оширилгандан сўнг ва конструктор ҳужжатлари ишлаб чиқарилгандан сўнг заводга хизмат даврини узайтирган ҳолда капитал қайта тиклаш таъмири учун сертификат берилди, ва йўловчи вагонлар деталлари, яъни олдинги ва орқа упорлар ишлаб чиқишга сертификат берилди.

2011 йил завод янги “61-911 модели хаво кондиционерли мавжуд бўлган йўловчи купе вагон” сериясини ишлаб чиқариш учун сертификат олди ва йўловчи вагон учун “Поглощающий аппарат” ишлаб чиқариш сертификатини олган.

2012 йилда йўловчи вагоннинг 68-921 ва 68-922 модели икки осьли “безлюечного подвешивания” тележкалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Конструктор хужжатлари расмийлаштирилди ва ушбу тележкалар ишлаб чиқариш учун зарур синовлар ўтказилди.

2014 йилда янги йўловчи вагон қурилиш ва капитал тиклаш таъмирлаш ҳажмини камайиши муносабати билан ЭР-9Е ва ЭР-2 электропоездлар вагонларининг хизмат муддати узайтирган ҳолда капитал қайта тиклаш таъмири (КРП) ҳамда метро вагонларининг хизмат муддати 15 йилга узайтирган ҳолда капитал қайта тиклаш таъмири ҳам ўзлаштирилган. «Toshkent yo‘lovchi vagonlarini qurish va ta‘mirlash zavodi» АЖ метро вагонлар тележкаларнинг рамалар ва надрессор балкалари ишлаб чиқариш учун зарур синовларни ўтказди ва сериясини ишлаб чиқариш учун сертификат олди.

2016 йил завод янги 61-926 модели ҳаво кондиционери мавжуд бўлган ўтириш ўриндиқли вагон қуриш ўзлаштирилиб ишлаб чиқарила бошлади.

2017 йил 16 дона метро вагонлари ва 377та йўловчи вагонлар таъмири амалга оширилди, улардан режали таъмирдан 366та вагон ўтказилган, КВР 11та вагон. Йил давомида 10та янги вагон қурилган (улардан 8таси экспорт учун).

2018 йил 24та метро вагонлар таъмири, 395та йўловчи вагонлар таъмири амалга оширилган, улардан режали таъмирдан 377та вагон ўтказилган, КВР таъмиридан 18та вагон ўтказилган. Йил давомида 39та янги вагон қурилган (улардан 9таси экспорт учун).

2019 йил 20та метро вагонлар таъмири, 322та йўловчи вагонлар таъмири амалга оширилган, улардан режали таъмирдан 306та вагон ўтказилган, КВР таъмиридан 16та вагон ўтказилган. Йил давомида 51та янги вагон қурилган (улардан 5таси экспорт учун).

2020 йил якунлари бўйича 8 та метро вагони ва 317 та йўловчи вагонларини таъмирлаш ҳажми кутилмоқда, шундан 304 таси режалаштирилган таъмирлаш турлари, 13 таси капитал-тиклаш таъмирлаш билан таъминланади. Шунингдек, 24 та янги йўловчи вагон (шу жумладан, 11 та вагон экспорт қилиш учун) қурилади.

2021 йилда ўрнатилган вазифаларни бажариш мақсадида:

- йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш бўйича белгиланган ҳажмдаги ишларни бажариш;

- моддий ресурсларни етказиб бериш;

- контракт ишини такомиллаштириш;

- истиқболли ривожлантиришнинг прогноз параметрлари ва йўналишларига етказиш;

- фаолият барча туридан олинган фойдадан самарали фойдаланиш;

- активлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- ишлаб чиқаришда йўқотишларни ва зарарларни камайитиш;

- бошқарув тизимини такомиллаштириш.

2021 йилда Бизнес-режага асосан амалга оширилиши лозим бўлган иш ва хизматлар дастури корхона бўлинмалари ва бўлимлари томонидан тақдим қилинган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

2021 йил дастур бўйича жами 201 та йўловчи вагон таъмирдан ўтказиш, улардан режали таъмирдан 198 та вагон, капитал-тиклов таъмиридан КВР 3 та йўловчи вагон ўтказиш ва 14 та янги йўловчи вагон қуриш (улардан экспортга 10 та вагон) режалаштирилган.

Ушбу иш ҳажмини бажариш натижасида 2021 йилда жами 182 513 млн. сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган, улардан вагон таъмири – 22 604 млн.сўмлик вагон эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш – 5000 млн.сўм, эҳтиёт қисмларини буюртмачидан олган ҳолда янги вагон қуриш – 62 909 млн.сўм.

Млн.сўм

№	Кўрсаткич	Режа 2020 йил	Кутилаётган 2020 йил	Режа 2021 йил
1.	Товар маҳсулотларни жорий нархларда ишлаб чиқариш ҳажми	103 200,0	132 982,9	182 513,6
1.1.	Вагонлар таъмири	25 500	25 088,5	22 604,0
1.2.	Метро вагонлари таъмири	16 800		92 000,0
1.3.	Вагон қурилиши	42 000	34 800,5	15 909,6
1.4.	Экспорт	9 400	56 807,5	47 000,0
1.5.	Вагон эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш	5 000	4 864,0	5 000
1.6.	Контейнер яшаш ва б.ишлар	4 500	11 422,4	
2.	Жами даромад	110 600	137 082,9	187 713,6
2.1.	Сотишдан олинган соф тушум	103 200	132 982,9	182 513,6
2.2.	Бошқа даромадлар	6 200	3 100,0	3 200,0
2.3.	Молиявий фаолият даромадлари	1 200	1 000,0	2 000,0
3.	Жами харажат	108 491	134 279,0	184 757,5
3.1.	Ишлаб чиқариш таннархи	93 396	119 019,7	166 862,5
3.2.	Давр харажатлари	14 095	14 279,3	17 295
3.3.	Молиявий фаолият харажатлари	1 200	980	600
4.	Солиқ тўлангунига қадар фойда	2109	2 803,9	2 956,1
5.	Соф фойда	1 792,65	2 383,3	2 512,7

2021 йилда заводнинг асосий масалалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорларини бажариш;
- Йўловчи вагонлар таркибини янгилаш;

- Зангламас пўлатдан янги вагон кузови қуришини ўзлаштириш.

2021 йили барча ишлар бўйича ялпи фойда 20 851,1 млн.сўм режалаштирилган, бу ўз навбатида давр харажатларини қоплашга, солиқлар ва мажбурий бюджет тўловларини тўлашга имконият беради. Рентабеллик даражаси яъни **ялпи фойда/ишлаб чиқариш таннари** 12,5% кутилмоқда. Фойда солиғи 443,4 млн.сўм режалаштирилган.

Соф фойда барча солиқлар тўлангандан сўнг 2 512,7 млн.сўм кутилмоқда, бу ўз навбатида резерв фондларни қоплашга, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига ва дивиденд тўловларни тўлашга имконият яратади.

Режалаштирилган даврда жамият ўз айланма маблағлари билан таъминланишини ва мавжуд ресурслар орқали белгиланган кўрсаткичларга эришиш кўзда тутилган.

6. БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМ ВА УСУЛЛАРИ

Иш фаолиятини ташкил этиш қуйидагилар ҳисобига амалга оширилади:

- Тузилган шартнома ва контрактларни ўз вақтида ва аниқ ижро қилиш;
- Буюртмачи ва хизматдан фойдаланувчилар билан ҳамкорликнинг оптимал вариантларини топиш ва амалга ошириш;
- Корхона молия-хўжалик фаолиятининг чуқур таҳлили, молиявий барқарорлик ҳолатини сақлаш борасида маълум режалар тузиш, фаолиятни барқарорлигини таъминлаш;
- Дебитор ва кредитор қарздорликни доимий равишда камайишини назорат қилиш;
- Бозор таклифларига мос кадрларни тайёрлаш ва ходимларни малака даражасини доимий ошириб бориш;
- Буюртмалар базасини шакллантириш учун Ўзбекистон Республикасининг бозорида чуқур маркетинг тадқиқотларни ўтказиш;
- Зарур маълумотларни самарали йиғиш, қайта ишлаш, амалиётда қўллаш учун завод фаолиятига информацион маълумотлар базаларидан фойдаланиш амалиётини киритиш;
- Бошқарув тизимини такомиллаштириш.

Фаолиятда режалаштирилган вазифаларни ва 2021 йилда ривожланиш кўрсаткичларини бажаришда шартнома мажбуриятларини сифатли бажаришда зарур шароитлар яратиш кўзда тутилган.

7. ФАОЛИЯТ БУЮРТМАЧИЛАРИ, ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ, ИНВЕСТОРЛАРИ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ

Корхона буюртмачилари сифатида “�збекистон темир йўллари” АЖ ва ўз балансларида йўловчи вагонлари мавжуд бўлган турли мулкчилик шаклига эга бўлган корхоналар.

Келгуси режалаштирилган даврда завод раҳбарияти олдида бажарилган ишлар учун зарур бўлган маблағни буюртмачилар томонидан молиялаштириш ва топширилган иш ҳажми учун буюртмачиларни ўз вақтида тўловларини амалга оширишга эришиш, шунингдек дебитор қарздорлик миқдорини камаййтириш масалаларини ҳал қилиш турибди.

2021 йилда заводнинг асосий буюртмачилари қуйидагилардир:

1. “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ

2. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ

- Йўл хўжалиги бошқармаси,
- Локомотивлар эксплуатацияси бошқармаси,
- Харбийлаштирилган қўриқлаш хизмати,
- Электротаъминот маркази,
- Алоқа ва сигнализация маркази,
- Регионал темир йўл узеллари (Тошкент, Қўқон, Қарши, Термиз, Қўнғирот),
- “Тошкент метрополитени” УК

3. Ўзбекистон Республикаси турли хил мулкчилик шаклидаги корхоналари

- Навоий тоғ-металлургия комбинати

4. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) субъектлари

- Россия федерацияси компаниялари,
- Қозоғистон Республикаси компаниялари.

Барча асосий Буюртмачилар билан узоқ муддатли шартномалар тузиш, ишлаб чиқариш алоқалари ўрнатиш ва мустахкамлаш режалаштирилган.

Замонавий шароитда аксарият давлат корхоналарнинг бошқа мулкчилик шаклига айлантирилганда фаолият координацияси, маблағлар аккумуляцияси, ягона техник сиёсат юритиш, ресурс сақловчи ва экологик чора-тадбирларни ишлаб чиқариш ва амалиётга киритиш зарурияти муҳим шартлардан бири бўлиб қолмоқда.

Корхонани акциядорлик жамиятига ўзгартирилиши ташқи инвестроларни жалб қилиш, айланма маблағларни тўлдириш, ва мавжуд ускуналарни модернизация қилиш имкониятини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикасида темир йўл транспорт соҳасида кўп йиллик тажрибага ва малакали мутахассислар ердамига таянган ҳолда корхона белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Бошқарув аппаратида таҳлил, натижаларни прогностлаш ва жорий режалаштириш, ташқи инвестицияларни топиш, корхонани инвестициялар жалб қилувчи кўриниш масалаларини хал қила оладиган малакали мутахассислар мавжуд. Зарурият туғилганда корхона стратегик режалаштириш, молия ресурсларини консолидация схемаси ва проектлар молиялаштириш манбаларини ишлаб чиқариш борасида тажрибага эга бўлган консультантлар жалб қилиш имкониятига эга.

Корхона раҳбарияти катта тажрибага эга бўлиб корхонани ривожлантириш ҳамда бозор талабларига мос равишда ривожланиш режаси ва аниқ бозор стратегиясига эга.

Шунинг билан бир қаторда корхонани келгуси ривожлантириш йўлида мавжуд ишлаб чиқариш потенциали, персонал тажрибалари, малакали кадрларни сақлаб қолиш бўйича корхона раҳбарияти доимий назорат олиб боради.

Келгуси даврда молиялаштириш манбаи бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- Буюртма қилинган иш ва хизмат учун аванс тўловлар;
- Йўловчи вагонларни таъмирлаш ва қуришдан кўрилган фойда;
- Йўловчи вагонларга техник хизмат кўрсатишдан олинган фойда;
- Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан олинган даромад.

Имкониятларни юзага чиқариш мақсадида завод доимий равишда Тошкентда бўлиб ўтадиган халқаро ярмаркалар, презентацияларда иштирок этиб келмоқда. Интернет тармоқларида келгусида завод ривожланишини еритиб берувчи махсус сайт мавжуд. Завод фаолияти ва имкониятлар ҳақида реклама махсулотлари: буклетлар, проспектлар, девор календарлари, болкнотлар, пакетлар, папкалар ва б. ишлаб чиқариб тарқатилмоқда

8. ХУЛОСА

Бизнес режа ишлаб чиқариш бўйича якуний хулоса сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Хозирги кунда инвестиция фаолияти фундаментини қўйиш учун Ўзбекистон Республикасида қулай иқтисодий ва сиесий шароитлар мавжуд. «Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ ушбу давр имкониятларидан максимал фойдаланган ҳолда бозор иқтисодиёти реформаларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқда.

2. Бугунги кунда акциядор жамиятлар ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи Қонун мавжуд, бундан ташқари қимматли қоғозлар ҳақидаги меъёрлар ҳам такомиллашган. Хусусий ва давлат сектори корхоналари ушбу қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда амалиётда қўлланилмоқда.

3. «Toshkent yo‘lovchi vagonlarini qurish va ta‘mirlash zavodi» АЖ қуйидаги параметрларга эга бўлгани сабаб, инвесторлар ўз ҳамкорлари ва уларга бўлган ишончлари юзага келиб тасаввурга эга бўлади:

- Прогрессив фаолият;
- Зарур ресурс миқдорига эга бўлиш;
- Масалаларни ҳал қилиш бўйича ижодий ендашув;
- Тармоқда етакчилик;
- Мураккаб масалаларни ечиш имконияти;
- Бажариладиган хизматнинг юқори сифати;
- Ишонч;
- Ваколатларининг кенглиги.

Бошқарув раиси

Дадаходжаев Д.Ф.

Молия бўлими бошлиғи

Қаюмов З.О.

Стратегик режалаштириш ва
бизнесни ривожлантириш
бўлими бошлиғи в.б.

Джонмирзаева Н.Г.

**«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ бўйича
2021 йилга молиявий прогноз кўрсаткичлари**

минг.сўм


Кўрсаткичлар номи	2020й. ПРОГНОЗ	2020 й. кутилаётган	2021 й. ПРОГНОЗ
Махсулот сотишдан олинган соф тушум	103 200 000	132 982 892	182 513 602
Ишлаб чиқариш таннари	93 396 000	119 019 688	166 862 498
Ялпи фойда	9 804 000	13 963 204	15 651 104
Давр харажатлари, шу жумладан:	14 095 000	14 279 340	17 295 000
шу жумладан:			
Сотиш харажатлари	650 000	650 000	700 000
Маъмурий харажатлар	4 548 000	4 552 000	5 795 000
Бошқа операцион харажатлар	8 897 000	9 077 340	10 800 000
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	6 200 000	3 100 000	3 200 000
Асосий фаолият фойдаси	1 909 000	2 783 864	1 556 104
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	1 200 000	1 000 000	2 000 000
Молиявий фаолиятнинг харажатлари	1 000 000	980 000	600 000
ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	110 600 000	137 082 892	187 713 602
ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	108 491 000	134 279 028	184 757 498
Молиявий натижа	2 109 000	2 803 864	2 956 104
Фойда солиғи	316 350	420 580	443 416
Соф фойда	1 792 650	2 383 284	2 512 689

Бошқарув раиси



Дадаходжаев Д.Ф.

Молия бўлими бошлиғи



Каюмов З.О.

Стратегик режалаштириш ва бизнесни
ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б.


Джонмирзаева Н.Г.

**«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ бўйича
2021 йилга ишлаб чиқариш таннархи прогнози**

минг сўм

Харажат тури	2020 йил ПРОГНОЗ	2020 йил кутилатган	2021 йил ПРОГНОЗ
Ишлаб чиқариш ҳажми	103 200 000	132 982 892	182 513 602
Жами ишлаб чиқариш таннарх харажатлари	93 396 000	119 019 688	166 862 498
Мехнатга ҳақ тўлаш	25 500 000	25 500 000	35 000 000
Ягона ижтимоий тўлов	3 060 000	3 060 000	4 200 000
Хом аше ва материаллар	49 656 000	75 651 688	112 682 498
Ёқилғи	400 000	400 000	500 000
Электроэнергия	600 000	600 000	700 000
Эскириш ажратмалари	6 500 000	6 053 000	6 000 000
Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бошқа харажатлар: улардан	7 680 000	7 755 000	7 780 000
<i>Тиббий кўрик</i>	45 000	50 000	50 000
<i>Меҳнат муҳофазаси бўйича харажатлар</i>	100 000	200 000	200 000
<i>Коронавирусбилан боғлиқ харажатлар</i>		100 000	100 000
<i>Ишлаб чиқариш билан боғлиқ асосий воситаларнинг ижарага бериш билан боғлиқ харажатлар</i>		100 000	50 000
<i>Дезенфикация ишлари</i>		50 000	50 000
<i>Ишлаб чиқаришида жароҳатлар</i>	10 000		
<i>темир йўл ва автомобил хизмати харажатлари</i>	500 000	450 000	100 000
<i>бино ва иншоотларни сақлаш ва хизмат кўрсатиш</i>	2 000 000	2 000 000	2 000 000
<i>ускуналарни таъмирлаш ва соз ҳолатда сақлаш</i>	2 000 000	1 750 000	2 000 000
<i>сув ва оқава сув билан боғлиқ харажатлар</i>	95 000	120 000	150 000
<i>хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар</i>	80 000	80 000	80 000
<i>чиқиндилани олиб кетиш</i>	100 000	80 000	100 000
<i>мажбурий суғурта</i>	100 000	150 000	150 000
<i>мехнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича сертификация</i>	50 000	500 000	50 000
<i>сертификация</i>	1 000 000	800 000	1 000 000
<i>ишлаб чиқаришида олинган тан жароҳати туфайли мехнатга лаёқатсиз бўлгани учун тўланадиган тўловлар</i>		25 000	
<i>вагонларни таъмирлаш жараёнида бошқа ташкilotларнинг хизматлари</i>	600 000	1 200 000	1 500 000
<i>бошқа ҳаражатлар</i>	1 000 000	100 000	200 000

Молия бўлими бошлиғи

Каюмов З.О.

Стратегик режалаштириш ва бизнесни
ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б.

Джонмирзаева Н.Г.

«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ
2021 йилга давр харажатларининг прогнози

Харажат тури	тыс. сум		
	2020 йил ПРОГНОЗ	2020 йил кутилаётган	2021 йил ПРОГНОЗ
Жами давр харажатлари, улардан	14 095 000	14 279 340	17 295 000
Сотиш харажатлари	650 000	650 000	700 000
Маъмурий харажатлар, улардан	4 548 000	4 552 000	5 795 000
Мехнатга ҳақ тўлаш	2 400 000	2 400 000	3 000 000
Ягона ижтимоий тўлов	288 000	288 000	360 000
Хом аше ва материаллар	550 000	100 000	500 000
Ёқилғи	80 000	84 000	100 000
Электрэнергия	30 000	30 000	35 000
Эскириш ажратмалари	700 000	1 000 000	1 000 000
Бошқа харажатлар	500 000	650 000	800 000
Бошқа операцион харажатлар	8 897 000	9 077 340	10 800 000
Мехнатга ҳақ тўлаш	2 100 000	2 500 000	4 500 000
<i>улардан</i>			
мукофот тўловлари	1 200 000	2 000 000	3 500 000
моддий ёрдам тўловлари	900 000	500 000	1 000 000
Ягона ижтимоий тўлов	252 000	300 000	540 000
Хом аше ва материаллар	450 000	50 000	100 000
Бошқа харажатлар	6 095 000	6 227 340	5 660 000
<i>улардан</i>			
кадрларни тайёрлаш бўйича	50 000	50 000	200 000
банк хизматлари	400 000	300 000	500 000
аудитор, юридик, инвестицион ва солиқ тизими бўйича маслаҳат хизматлари, МСФО	200 000	200 000	250 000
хайрия ёрдами	50 000	50 000	50 000
касаба уюшмасига ажратмалар	600 000	400 000	500 000
ишчилар харажатларини қоплаш	650 000	800 000	500 000
поликлиника ва ошхона харажатлари	50 000	50 000	100 000
рағбатлантириш тўловлари	300 000	50 000	100 000
маъмурият ходимларининг мехнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича тўловлар	10 000	70 000	10 000
солиқлар бўйича жарима ва пенялар	5 000	50 000	10 000
ўтган йиллар бўйича зарарлар		-1 660	
фарзандни парвариш қилиш бўйича тўлов	30 000	50 000	30 000
шахарни ободонлаштириш бўйича	200 000	30 000	50 000
ишлаб чиқаришни инспекцион назорати	450 000	520 000	500 000
янги ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, янги турдаги ва сериядаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	350 000		200 000
Сирдарё бўйича харажатлар		700 000	50 000
Коронавирус бўйича харажатлар		200 000	50 000
Бошқа харажатлар	850 000	845 000	700 000
Солиқлар, улардан	1 900 000	1 864 000	1 860 000
<i>мол-мулк солиғи</i>	300 000	280 000	250 000
<i>бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, ажратмалар, мақсадли давлат фондларига ажратмалар</i>	1 500 000	1 500 000	1 500 000
<i>сув солиғи</i>	50 000	54 000	60 000
<i>бошқа солиқлар</i>	50 000	30 000	50 000

Молия бўлими бошлиғи

Каюмов З.О.

Стратегик режалаштириш ва бизнесни
ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б.

Джонмирзаева Н.Г.

**«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ бўйича
2021 йилга молиявий даромадлар прогнози**

Харажат тури	<i>минг.сўм</i>		
	2020 йил ПРОГНОЗ	2020 йил кутилатган	2021 йил ПРОГНОЗ
Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, шу жумладан	1 200 000	1 200 000	2 000 000
Дивиденд кўринишидаги даромадлар	200 000	697 898	1 000 000
Валюталар курси фарқи ҳисобига олинган даромадлар	1 000 000	502 102	1 000 000

Молия бўлими бошлиғи



Каюмов З.О.

Стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б.



Джонмирзаева Н.Г.

«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ
2021 йилга молиявий фаолият харажатларининг прогнози

минг сўм

Наименование затрат	2020 йил ПРОГНОЗ	2020 йил кутилаётган	2021 йил ПРОГНОЗ
Молиявий фаолият харажатлари, улардан:	1 000 000	880 000	600 000
Фоизлар шаклидаги харажатлар	200 000	130 000	200 000
Валюта курси фарқидан зарарлар	800 000	750 000	400 000
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар			

Молия бўлими бошлиғи



Каюмов З.О.

Стратегик режалаштириш ва бизнесни
ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б.



Джонмирзаева Н.Г.

«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» AJZ da 2021 йил учун ишлаб чиқаришга
режалаштирилган махсулот ПРОГНОЗИ

Наименование	Ед. изм.	2020 йил ПРОГНОЗ			2020 йил КУТИЛАЁТГАН			2021 йил ПРОГНОЗ		
		Ўртача нархи, минг сўм	Ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўм	Сони	Ўртача нархи, минг сўм	Ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўм	Сони	Ўртача нархи, минг сўм	Ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўм	Сони
		Депо ҳажмида таъмирлаш (ДР)	вагон	92 000	13 800 000	129	85 848	11 074 400	104	86 000
Капитал таъмирлаш (КР-1)	вагон	170 000	6 800 000	53	148 130	7 850 900	84	150 000	12 600 000	
Капитал таъмирлаш (КР-2)	вагон			1	77 161	77 161	0	200 000	0	
Техник соғломлаштирувчи (Оздоров.рем.)	вагон			104	16 200	1 973 250	10	16 000	160 000	
Жами таъмирлаш	вагон	190	20 600 000	287	20 975 711	20 975 711	198		21 704 000	
Капитал тиклов таъмирлаш (КВР)	вагон	7	700 000	14	293 768	4 112 752	3	300 000	900 000	
Электрпоезд ЭР-9 вагонларини хизмат муддатини узайтирилган ҳолда капитал таъмирлаш (КРП)	вагон								0	
Жами таъмирлаш	вагон	197	25 500 000	301		25 088 463	201		22 604 000	
Метро вагонларини капитал тиклов (КВР) таъмирлаш	вагон	8	2 100 000				28	3 285 714	92 000 000	
Янги вагонларни куриш	вагон	12	3 500 000	14	2 485 750	34 800 500	4	3 977 401	15 909 602	
Экспорт	вагон	2	4 700 000	10	5 680 747	56 807 470	10	4 700 000	47 000 000	
Тўсиқлар, контейнерлар ясаш, шифохона биносини куриш	минг.сўм		4 500 000			11 422 435				
Эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш	минг.сўм		5 000 000			4 864 024			5 000 000	
Жами			103 200 000			132 982 892			182 513 602	

Ишлаб чиқариш бўйича директор

Каршиев А.К.

Стратегик режалаштириш ва бизнесни
ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б.

Джонмирзаева Н.Г.



«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» AJZ
2021 йилга меҳнат кўрсаткичлари бўйича прогноз

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2020 йил ПРОГНОЗ	2020 йил кутилаган	2021 йил ПРОГНОЗ
Ишлаб чиқариш ҳажми	минг сўм	103 200 000	132 982 892	182 513 602
Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, жумладан:	минг сўм	30 000 000	30 400 000	42 500 000
ишлаб чиқариш таннархидаги МХТФ	минг сўм	25 500 000	25 500 000	35 000 000
маъмурий харажатлардаги МХТФ	минг сўм	2 400 000	2 400 000	3 000 000
Бошқа операцион харажатлардаги МХТФ	минг сўм	2 100 000	2 500 000	4 500 000
Ходимлар сони	киши	950	950	950
Ўртача ойлик иш хақи	сўм	2 631 579	2 666 667	3 728 070
Меҳнат унумдорлиги	млн.сўм/ киши	113 034	145 655	199 905

Стратегик режалаштириш ва бизнесни
ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б.

Джонмирзаева Н.Г.

Меҳнат ва иш хақи бўлими бошлиғи

Абдукаримова Д.Б.